

<https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss6/12>.

13. Шохужаева З.С. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферати. – Т.: БМА, 2010. – 24 б.
14. Хасанов Б.У. Ўзбекистон сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. – Т., 2003. – 30 б.
15. Qurbanov Z. & Isaev F. Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. // *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, (1), 2017. 321-328. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/9190](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190)
16. Исаев Ф. Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. // *Экономика и образование*, (6), 2021, 86-91. Извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>
17. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилдан фойдаланишни такомиллаштириш. // *Экономика и образование*. 2021. №. 4. С. 172-176.
18. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа. // *Актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации*. 2017. С. 246-254.
19. Isaev F. Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. // *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, (6), 2017. 294-301. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/9579](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579)
20. Исаев Ф.И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 2021.
21. Isaev F. Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. // *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, (6), 2021, 326-333. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12224](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224)
22. Исаев Ф. Солиқ таҳлилни ўрганиш зарурати. // *Архив научных исследований*, 2 (1). 2021. Извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
23. Курбанов З, Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари. // *Экономика и образование*. 2022. Т. 23. №. 4. С. 190-196.
24. Исаев Ф. Ресурс солиқлари таҳлилни ташкил этиш методикаси. // *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(5), 2022. 171-176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
25. Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice // *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.
26. Ikromovich, Isayev Fakhridin. "Concept of economic analysis and its structural components." *International Journal of Marketing and Technology* 7.12 (2017): 1-13.
27. Ikromovich, Isayev Fakhridin. "Analysis of the profit tax and its improvement." *International Journal of Research in Social Sciences* 7.12 (2017): 74-85.



## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Махмадустов Жалол Махмадустович -**

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг  
мустақил изланувчиси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a57](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a57)

**Аннотация.** Мақолада маҳаллий бюджетлар даромад базасининг шаклланиши, унда ер солиғи ва мулк солиғининг аҳамияти ва илмий-амалий асослари ёритиб берилган. Маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш имкониятлари асосланган. Ер ҳамда мулк солиғининг маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги аҳамиятини ошириш юзасидан тартиб ва амалий тавсиялар таклиф этилди. Бундан ташқари маҳаллий бюджет даромадларини ошириш йўллари бўйича тадқиқот олиб борилган бўлиб, мавзу доирасида иқтисодий олимларнинг тадқиқотлари ўрганилиб, хулоса ва таклифлар шакллантирилди.

**Калим сўзлар:** ер, ер солиғи, кўчмас мулк, маҳаллий бюджет, маҳаллий бюджет даромадлари, маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллий солиқлар, ресурс солиқлари, солиқ, бюджет, солиқ ставкаси, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари.

## ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМА ПРОГНОЗИРОВАНИЯ НАЛОГОВ С ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ

**Махмадустов Джалал Махмадустович -**

Независимый исследователь  
Ташкентского государственного  
экономического университета

**Аннотация.** В статье рассмотрено формирование доходной базы местных бюджетов, роль и научно-практическая основа земельного налога и налога на имущество. Обоснованы возможности обеспечения стабильности доходов местных бюджетов. Предложены методические и практические рекомендации по повышению значимости налога на землю и имущество в формировании доходов местных бюджетов. Кроме того, было проведено исследование способов увеличения доходов местных бюджетов, изучены исследования экономистов в рамках темы, сформулированы выводы и предложения.

**Ключевые слова:** земля, земельный налог, недвижимость, местный бюджет, доходы местного бюджета, органы местного самоуправления, местные налоги, ресурсные налоги, налог, бюджет, налоговая ставка, налоговый отчет, налоговые поступления, налоговый кредит.

## WAYS TO IMPROVE THE MECHANISM OF FORECASTING TAXES FROM INDIVIDUALS

*Makhmadustov Jalal Makhmadustovich -  
Independent student of  
Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** The article describes the formation of the revenue base of local budgets, the importance and scientific and practical basis of land tax and property tax. The possibilities of ensuring the stability of local budgets' incomes are based. Procedural and practical recommendations were offered to increase the importance of land and property tax in the formation of local budget revenues. In addition, a study was conducted on ways to increase local budget revenues, the researches of economists were studied within the topic, and conclusions and proposals were formed.

**Key words:** land, land tax, real estate, local budget, local budget revenues, local authorities, local taxes, resource taxes, tax, budget, tax rate, tax report, tax revenues, tax credits.

**Кириш.** Мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиши натижасида бозор иқтисодиётининг асосий қоидалари бўлган хусусий мулкчиликнинг устуворлигини таъминлаш ва иқтисодий жараёнларни бозор механизми орқали тартибга солишга эришишни таъминлашга эътибор кучайтирилди.

Амалдаги қонунчилик бўйича солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятлари мустақил равишда, ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажарилиши ва ҳар бир солиқ тури бўйича Солиқ кодексида белгиланган тўлов муддатидан кечиктирмасдан тўлов топшириқномаси банкка тақдим этилиши лозим.

Солиқ ҳисоботлари ва солиқ текширувлари натижаси бўйича ҳисобланган солиқлар, молиявий санкция ва пеняларнинг ўз вақтида, тўлиқ ҳажмда тўланмаслиги солиқ қарзи сифатида эътироф этилади ва уни ундириш юзасидан солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларга нисбатан мажбурий ундирув чоралари қўлланилади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бюджет масаласи жуда муҳим ва мураккаб масала ҳисобланади. Ҳар бир ҳудуднинг ривожини, аҳолисининг турмуш шароитини, ижтимоий ҳимоя, кам таъминланган оила ва шахсларни етарли даражада ижтимоий ҳимоя қилиш, бир сўз билан айтганда, аҳолини рози қилиш ҳар бир ҳудуддаги давлат ҳокимияти органларининг молиявий масалаларни тўғри ҳал қила билишга боғлиқдир. Бунда маҳаллий бюджетларга тушадиган солиқ ва йиғимларнинг тури, миқдорини белгилаш алоҳида аҳамият касб этади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Иқтисодий нуқтаи назардан, солиқ ва солиқдан ташқари тушумларнинг ўсиши учун қўшимча захираларни топиш ва жалб қилиш нафақат маҳаллий бюджетларни тўлдириш, балки замонавий ҳуқуқий маконни шакллантириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар, турли ижтимоий йўналтирилган шаҳар дастурлари ва уларни амалга ошириш масаласидир.

“Мулк ҳуқуқи хусусий мулк бўлган мамлакатларда хусусий мулк ҳуқуқи ва ер қиймати-

нинг комбинацияси иккита ижтимоий харажатни келтириб чиқаради: ернинг (ёки бойликнинг) қиймати ва бу бойликнинг тенг тақсимланмаганлиги. Фойдаланилмаган ернинг қиймати ундириш воситаларидан бири солиқдир” [2].

“Ер солиғи ободонлаштирилмаган ерларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда ер эгаларидан олинадиган даврий солиқдир. Ер солиғи бойликларга солиқ солиш ва ерлардан самарали фойдаланишни рағбатлантиришнинг тежамкор воситасидир. Кўпгина адабиётларда назарий жиҳатларга асосий эътибор қаратилган, аммо уларнинг аксарияти бундай солиқни қандай мукамал жорий қилиш мумкинлиги ҳақида батафсил маълумотга эга эмас” [1].

А.Селезнев, Н.Доценколарнинг фикрига кўра, “маҳаллий бюджетларнинг реал молиялаштириш тақчиллиги муаммоси билан боғлиқ ҳолда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш тизими – муҳим макроиқтисодий вазифа” [4].

О.С.Сухарев барча даражадаги бюджет даромадлари манбаларини тубдан ўзгартириш, бюджет механизминини рағбатлантиришга йўналтирилган харажатларнинг самарали фаолият натижаларини жорий этиш тизимини илгари суради [5].

С.К.Худойқулов ўз тадқиқотларида эконометрик усуллар орқали давлат бюджети жами даромадларининг 2018-2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини аниқлаган [6]. У.Ў.Пардаев давлат бюджети даромадларини прогнозлаш масалаларини тадқиқ этган [3].

Н.Хайдаров фикрича, маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини кўпайтириш ва вилоятларда янги иш ўринларини яратиш учун хоржий инвесторларни жалб этишни рағбатлантириш зарур. Бунинг учун мамлакат бўйича хорижий инвесторлар қандай турдаги тадбиркорлик ва тижорат фаолияти билан шуғуллана олмайдиган соҳа ва тармоқлар рўйхати ишлаб чиқилиб, қолган барча соҳа ва тармоқларга яшил йўл борлиги кўрсатилиши лозим [7].

**Тадқиқот методологияси.** Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг давлат молия тизимининг долзарб масалаларидан бири сифатида маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Сўнги йилларда маҳаллий бюджетлар даромадлари маҳаллий бюджетлар харажатларига нисбатан доимий равишда кам миқдорни ташкил этмоқда. Айниқса, сўнги йилларда уларнинг орасидаги тафовут сезиларли равишда фарқланганлигини, яъни харажатларнинг кескин ошиб кетганлигини кўришимиз мумкин.

Давлат бюджети даромадлари прогнозини шакллантириш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

даромад турлари бўйича базани аниқлаш (йиғиш, тўплаш), прогнозлаш учун параметрлар тизимини танлаш;

бюджетга даромадлар тушишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, даромадлар ўсишини рағбатлантирадиган ҳамда даромадлар ўсишини секинлаштириш мумкин бўлган таъсирлар тўғрисида эксперт хулосаларини илгари суриш;

дастлабки маълумотларни тўплаш ва тизимлаштириш, уларни баҳолаш, маълумотларнинг бир хиллиги ва солиштирилишини текшириш;

агар керак бўлса, аниқловчи омилларнинг дастлабки маълумотларини тузатиш;

зарур ҳолларда бюджет даромадлари тўғрисидаги дастлабки маълумотларни қонун ҳужжатларига мувофиқ тузатиш, бюджет йўқотишларини (қўшимча даромадларини), бир марталик тушумларни миқдорий баҳолаш;

бюджет кўрсаткичлари динамикаси тенденцияларини аниқлаш, прогнозларнинг бир нечта вариантларини ишлаб чиқиш;

даромадларни прогноз қилишнинг турли хил вариантларини кўриб чиқиш ва энг мақбулини танлаш ҳамда бюджет даромадлари бўйича фискал кўрсаткичларни умумлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари келгуси йил ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган бюджет даромадларини прогнозлашда солиқ-бюджет асосий йўналишлари бўйича таклиф этилган ўзгартишлар ҳисобга олиниш керак.

Давлат бюджетига кутилаётган даромадлар, келгуси йил ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган даромадлар прогнозларини аниқлашда жорий молиявий йилнинг 1-ярим йиллик даромадлар базасидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Давлат бюджети даромадларини прогнозлаш тартибини ишлаб чиқишда қуйидагича ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жумладан, ер солиғини ҳар бир ҳудуд бўйича алоҳида ҳисоблаш керак. Ер солиғининг прогнозини юридик ва жисмоний шахслар бўйича ҳисоблаш тартиби қуйидаги вариантлар орқали прогнозлаштирилади:

а) масалан, биринчи вариант.

Ер солиғи прогнози жорий йил тушумларининг кутилаётган даражасини бир неча йиллар давомида тушумлар динамикасини таҳлил қилиш асосида нисбатан барқарор (ўртача) ўсиш суръати бўйича тузатиш орқали қуйидагича аниқланади:

$$P = K_d * K * K_s - T_k$$

Бунда:

P – солиқ прогнози;

K<sub>d</sub> – жорий йилнинг кутилаётган солиқ тушумлари;

K – таҳлил қилинаётган давр учун солиқнинг ўртача ўсиш суръатини акс эттирувчи коэффициент;

K<sub>s</sub> – солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигидаги ўзгаришларни ёки эксперт хулосасини акс эттирувчи коэффициент;

T<sub>k</sub> – қонунчиликдаги ўзгаришлар билан боғлиқ прогноз йилидаги қўшимча (+) ёки кам (-) солиқ тушумлари, шунингдек, тизимли бўлмаган характердаги бир марталик тўловлар.

б) масалан, иккинчи вариант:

Ушбу вариантда ер солиғи прогнози солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб амалга оширилади:

$$P = S_b * S_t * K_s - S_i$$

Бунда:

P – солиқ прогнози;

S<sub>b</sub> – юридик ёки жисмоний шахсларга тегишли бўлган ер майдони;

S<sub>t</sub> – ҳудуд бўйича ўртача ер солиғи ставкаси;

K<sub>s</sub> – солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигидаги ўзгаришларни ёки эксперт хулосасини акс эттирувчи коэффициент;

S<sub>i</sub> – кутилаётган солиқ имтиёзлари.

Мол-мулк солиғининг прогноз қилиш суммаси юридик ва жисмоний шахслар учун алоҳида ҳисобланади ва мол-мулк солиғи тушумлари прогнозини аниқлашда қуйидагилар:

а) масалан, биринчи вариант.

Солиқ прогнози қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$P = K_d * K * K_s - S_i$$

Бунда:

P – солиқ прогнози;

K<sub>d</sub> – жорий йилнинг кутилаётган солиқ тушумлари;

K – таҳлил қилинаётган давр учун солиқнинг ўртача ўсиш суръатини акс эттирувчи коэффициент;

Ks – солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигидаги ўзгаришларни ёки эксперт хулосасини акс эттирувчи коэффициент;

Si – қонунчиликдаги ўзгаришлар билан боғлиқ прогноз йилидаги қўшимча (+) ёки кам (-) солиқ тушумлари, шунингдек, тизимли бўлмаган характердаги бир маргалик тўловлар.

б) масалан, иккинчи вариант.

Ушбу вариантга кўра, мулк объектлари ва уларнинг солиққа тортиладиган қиймати бўйича солиқ маълумотлари мувофиқ қўлланилади.

Солиқ прогнози қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$P = Fm * St * Ks - Si$$

P – солиқ прогнози;

Fm – кўчмас мулкларнинг қиймати;

St – мол-мулк солиғининг ставкаси (индексация инobatга олган ҳолда);

Ks – солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигидаги ўзгаришларни ёки эксперт хулосасини акс эттирувчи коэффициент;

Si – қутилаётган солиқ имтиёзлари.

в) масалан, учинчи вариант.

Бу вариантга кўра, жисмоний шахслар мулк объектлари қиймати бўйича ҳисобланади.

Солиқ прогнози қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$P = Cv1 * St + Cv2 * St + Cv3 * Stym * Ks - Si$$

P – солиқ прогнози;

Cv1 – кўп қаватли уйларнинг келгуси йилдаги кадастр қиймати;

St – солиқ ставкаси (индексация инobatга олган ҳолда);

Cv2 – якка тартибдаги уйларнинг келгуси йилдаги кадастр қиймати;

Cv3 – нотурар-жойларнинг келгуси йилдаги кадастр қиймати;

Stym – юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси;

Ks – солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигидаги ўзгаришларни ёки эксперт хулосасини акс эттирувчи коэффициент;

Si – қутилаётган солиқ имтиёзлари.

Бундан ташқари айрим тоифадаги жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий тартибда тўланадиган ижтимоий солиқни ҳисоблаш қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$P = S * Kb * m$$

Бунда:

P – ихтиёрий тартибда тўланадиган ижтимоий солиқ прогнози;

S – ўтган даврдаги тўланган жисмоний шахсларнинг ижтимоий солиқ миқдори;

Kb – келгуси даврда базавий ҳисоблаш миқдорини ошириш коэффициенти, %;

m – ой.

**Хулоса ва таклифлар.** Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини барқарорлаштириш жараёнида солиқларнинг аҳамиятини ошириш ҳамда маҳаллий бюджет даромадлари таркибини таҳлил қилиш натижасида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунда маҳаллий бюджетга бириктирилган даромадлар турлари, шунингдек, қонунчилик асосида маҳаллий солиқлар рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида умумдавлат солиқларидан ажратмалар миқдорларини ҳар йили қайта кўриб, ўзгартириш киритмасдан, ҳеч бўлмаганда 3 йилда бир марта ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу эса ўз навбатида, маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Cathy Hughes, Sarah Sayce, Pete Wyatt. Implementing a land value tax: Considerations on moving from theory to practice. *Land Use Policy* 8 February. 2020. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0264837719315704>.
2. Peter Wyatt. From a property tax to a land tax – who wins, who loses? *Land Use Policy* 31 August. 2019. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0264837719307975>.
3. Пардаев У.Ў. Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 2018. 11-20-б.
4. Селезнев А., Доценко Н. Доходный потенциал местных бюджетов и его общегосударственное значение. // *Экономист*. 2016. № 9. С. 12-22.
5. Сухарев О.С. Инвестиции в транзакционный сектор и в финансовые активы: влияние на экономический рост. // *Финансы: теория и практика*, 24 (3), 2010. 60-80.
6. Худойкулов С.К. Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. 2019. 14-16, 20-21, 28-29-б.
7. Хайдаров Н.Х. Маҳаллий бюджетлар: муаммо ва инновацион ечимлар. // “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий-электрон журнали. 2020. 2-сон.
8. Qurbanov Z. & Isaev F. Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. // *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, (1), 2017, 321-328. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/9190](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190)
9. Исоев Ф. Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. // *Экономика и образование*, (6), 2021, 86-91. Извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>

10. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилдан фойдаланишни такомиллаштириш. // Экономика и образование. 2021. №. 4. С. 172-176.
11. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа. // Актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации. 2017. С. 246-254.
12. Isaev F. Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, (6), 2017, 294-301. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/9579](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579)
13. Исаев Ф.И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий-электрон журнали. 2021.
14. Isaev F. Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, (6), 2021. 326-333. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12224](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224)
15. Исаев Ф. Солиқ таҳлилни ўрганиш зарурати. // Архив научных исследований, 2 (1). 2022. Извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
16. Курбанов З., Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари. // Экономика и образование. 2022. Т. 23. №. 4. С. 190-196.
17. Исаев Ф. Ресурс солиқлари таҳлилни ташкил этиш методикаси. // Iqtisodiyot va ta'lim, 23 (5), 2022. 171-176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
18. Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.
19. Ikromovich, Isayev Fakhriddin. "Concept of economic analysis and its structural components." International Journal of Marketing and Technology 7.12 (2017): 1-13.
20. Ikromovich, Isayev Fakhriddin. "Analysis of the profit tax and its improvement." International Journal of Research in Social Sciences 7.12 (2017): 74-85.



## РЕСПУБЛИКАМИЗДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Эргашов Жамшид Ашурович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил тадқиқотчиси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a58](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a58)

**Аннотация.** Мазкур мақолада иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар бўйича солиқ салоҳиятини ҳисоблаш формулалари келтирилган, шунингдек, солиқ сиёсатини такомиллаштириш, бюджетда харажатлар эҳтиёжлари ва тенглаштириш дастурларининг асосий жиҳатларини аниқлашда мавжуд инновацион усуллар ва услубий ёндашувларни ишлаб чиқишни такомиллаштириш, давлат молиясини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогнозлашнинг кенг қўламли усулларини жорий этиш юзасидан таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** солиқ, бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмурчилиги, маҳаллий бюджет, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, позитив таҳлил, солиқ юки, репрезентатив солиқ ставкаси, ўртача ставка солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

## ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ ДОХОДОВ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ В НАШЕЙ РЕСПУБЛИКЕ

Эргашов Джамшид Ашурович -

Независимый исследователь  
Ташкентского государственного  
экономического университета

**Аннотация.** В данной статье представлены формулы расчета налогового потенциала отраслей экономики и регионов, а также усовершенствование разработки существующих инновационных методов и методических подходов в целях совершенствования налоговой политики, расходной потребности бюджета и основных аспектов выравнивающих программ, экономико-математическое моделирование с целью повышения эффективности управления государственными финансами и вносятся предложения по внедрению крупномасштабных методов прогнозирования.

**Ключевые слова:** налог, бюджетная политика, бюджет, налоговое администрирование, местный бюджет, налоговый потенциал, нормативный анализ, положительный анализ, налоговая нагрузка, репрезентативная налоговая ставка, средний налоговый отчет, налоговые поступления, налоговые льготы, налоговая ставка.